

# ЛОЙИХА-СМЕТА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН

№ 1 - сонли ШАРТНОМА

ЛОТ рақами 22110012185559

“21” Ноябрь 2022 ийл

Карши ш.

Бундан бүён Буюртмачи деб юритиладиган Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошқарма бошлиги Б. Рахимов ва иккинчи томондан кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “Қашқадарё инфраструктура лойиха” МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор А.Муратов ўртасида, Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022-ийл 25-октабрдаги “2022-2023 йилларда махаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш буйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПК-408-сонли карорнинг 7-бандида: Дастанни амалга ошириш доирасида бош лойихачи ташкилотлар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда танлов (тендер) орқали аниқланиши белгиланганлиги талаблари асосида, Махсус ахборот порталида ўтказилган электрон давлат хариди танлови (тендери) натижасига кўра №185670-сонли лот бўйича танлов (тендер) галиби деб топилганлиги тўғрисида тузилган “энг яхши таклифларни танлаб олиш - харид комиссияси”нинг 2022 йил 16 ноябрдаги баённомасига асосан хамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 4-ноябрдаги VI-52-169-4-0-К/22-сонли қарори билан тасдиқланган манзилли руйхатга биноан куйидаги шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи: Республика бюджети хисобидан умумфойдаланувдаги **Махаллий аҳамиятдаги Дехқонобод тумани 4к301 “а” Қизилча қишлоғига кириш автомобиль йулиниңг 12-20 км лари оралиғида жорий таъмирлаш ишларини буюртмачи, пурратчи ва лойихачи ташкилотлар иштирокида тузилган нуқсанлар қайдномасига асосан 2022-2023 йилларда бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари учун смета хужжатларини тайёрлашни топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.**

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВЛАР ҚОИДАЛАРИ

2.1. Ишларни амалга оширишнинг умумий баҳоси ҚҚС билан 55 000 000 (эллик беш миллион) сўмни ташкил қиласи ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиха хужжатларини бажариш ва молиялаштириш жадвалига мувофиқ бажарилади

2.2. Буюртмачи шартномани Фазначилигдан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг шартноманинг хар ойда белгиланган баҳосининг 30% миқдорида ой бошида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини купайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда ёки ишлар-хажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда шартнома баҳоси узгартирилиши мумкин.

2.4. Хар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.5. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнида Бажарувчига хақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.6. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:  
ишлар қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;  
ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

## 3. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2 Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчига тақдим қиласи.

3.3 Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган хажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган максадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундаги маълумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4 Буюртмачи томонидан аванс тўловлари ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни

амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлиш ва тугаллаш муддати хам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5 Ушбу шартнома буйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан қайтадан бажаради.

#### 4 ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1 Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган ҳолда топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлиб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган хисобланади ва бундай холатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш максадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5 Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро хисоб-китоб қилиш вақти хисобланади.

4.6 Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мўмкин.

#### 5. Конфиденсиал маълумотларни ҳимоялаш

5.1 Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденсиал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкож бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### 6. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равиша узайтирилади.

6.2 Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

6.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### 7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1 Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупсиявий харакатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевosita ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан конунга хилоф равиша пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини) уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз,

устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мүмкінлиги хакида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасыда жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар күради.

7.4 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан хар қандай вакт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятидан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол-мulkнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мulkка бўлган ҳакиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишига;

в) коррупцияга оид хукубузарлик содир килиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5 Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализатсия қилиш ва ўтказища, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб борища, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий ҳаракатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равища ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хам зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафлар оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

## 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1 Бажарувчи лойихани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

8.2 Хар бир обект (Автомобил йўл) учун Нуксонлар кайдномасини Буюртмачи томонидан бажарувчи иштирокида алоҳида ишлаб чиқилади ҳамда Бажарувчига топширилади.

8.3. Узаро мuloқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

8.4 Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равища узгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мўмкин.

8.5 Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вактида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учунчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равища жалб қилиш хукуқига эга.

8.6 Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган мунособатларига ва Бажарувчининг обеъкт

бўйича бажарган ишлариға нисбатан қўлланилади.

8.7 Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан хал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар иқтисодий судда эътиroz тартибиға риоя қилган холда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равишида тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиши муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан холларда конунда белгиланган тартибда иқтисодий судларда ҳал қилинади.

8.8 Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.9 Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар кийматиииг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий сўммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.10 Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун холатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича хисобга олишга хақли.

8.11 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси туғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

8.12. Буюртмачининг сўровига асосан зарур ҳолларда Жорий таъмирлаш ишлари смета хужжатларига узгартиришлар киритилиши мўмкин.

8.13. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

8.14. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

8.15. Шартнома амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»	«ИШ БАЖАРУВЧИ»
«Қашқадарё вилояти АЙББ»	«Қашқадарё инфраструктура лойиха» МЧЖ
Манзили: Қарши ш. Хонобод шох кўчаси-23 Тел. Факс (0375) 221-56-81	Манзили: Ислом Каримов кучаси, 296-уй, 1-каватда жойлашган
Шв\x 3045 1086 0104 0170 4515 1118 001 Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 201998818	Tel:(+ 99891)257-92-31 Банк: Қарши ш “ТИФ Миллий банк” АЖ Қашқадарё в филиали Х\Р 20 20 8000 5052 45 40 40 01 МФО: 00150
ОКОНХ: 61129 МФО _____ ОКЕД: 84130	INN: 307519526 OKED: 71110
«Қашқадарё вилояти Автомобиль йўллари бош бошкармаси” Бошлиғи: _____ Б.Рахимов	“Қашқадарё инфраструктура лойиха” МЧЖ Бошлиғи: _____ А.Муратов

Хукуқиннос:

Б.Мирзаев

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги  
Фазна x/в 23402000300100001010 МФО 00014  
Банкнинг номи: Тошкент Марказий бонк XKKM  
Газначилик булими СТИРи 201122919

-\*87

*М.Кодироб Shavz*

**Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармасининг**

**БАЁННОМАСИ**

«21» ноябр 2022 йил

Қарши шахри.

1.	Камолов Хусниддин	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси
2.	Хакимов Фарход	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси умумий бўлим бошлиғи, комиссия котиби
3.	Худойқулов Файзулло	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бош мухандиси, комиссия аъзоси
4.	Файзиев Бўри	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси ТК ва БИҶҚ бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси
5.	Худайқулов Камол	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси АЙФ ва ТХТҚБ бошлиғи, комиссия аъзоси
6.	Ахмедов Отажон	-	Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси Дастурларни шакллантириш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича бош мутахассис, комиссия аъзоси

**КУН ТАРТИБИДА:**

Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси ([хттп://этендер.узех.уз/](http://этендер.узех.уз/)) нинг электрон парталида энг яхши таклифни танлаш бўйича 2022 йил 08 ноябрдаги 185559-сонли лот раками билан эълон қилинган Дехканобод тумани 4 К 301 а "Кизилча кишлогига киравчи" автомобил йулини 12-20 кмлар ораоигини жорий таъмирлаш лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва экспетиза хulosасини олиш бўйича

Кун тартибидаги Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси X.Камолов сўзга чиқиб, танлов натижалари бўйича энг яхши таклифни танлаш бўйича 2022 йил 08 ноябрдаги 185559-сонли лот раками билан эълон қилинганлигини ва танлов лоти бўйича харид комиссияси 2022 йил 08 ноябрдаги Харид қилиш бўйича харид комиссиясининг баённомаси лот 185559-сонли голибни аниклади:

- "Қашқадарё инфраструктура лойиха" МЧЖ
- ва захира лойихачи:
- Баркамол пресс МЧЖ

2022 йил 08 ноябрдаги Харид қилиш бўйича тендер бўйича харид комиссиянинг лот 185559-сонли баённомаси **2 иш кун** мухокамага қўйилди. Ушбу **2 иш кун** мухокама даврида хеч қандай иштирокчи ташкилотлар томонидан эътиroz бўлмаганлиги сабабли танлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2022 йил 08 ноябрдаги 185559-сонли баённомаси орқали "Қашқадарё инфраструктура лойиха" МЧЖ **голиб деб топилсин.**

2. Дехканобод тумани 4 К 301 а "Кизилча кишлогига киравчи" автомобил йулини 12-20 кмлар ораоигини жорий таъмирлаш ишларини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ва экспетиза хulosасини олиш бўйича "Қашқадарё инфраструктура лойиха" МЧЖ билан шартнома тузилсин.

Х.Камолов

Ф.Худойқулов

Б.Файзиев

К.Худойқулов

О.Ахмедов

Ф.Хакимов

